

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**ШЕРМАТОВА УМИДА САПАЕВНА**

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ, АДАБИЙ-БАДИИЙ  
МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК  
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ  
(ЧЎЛПОН ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Шерматова Умида Сапаевна**

Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий,  
адабий-бадий манбалардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари  
(Чўлпон ижоди мисолида).....3

**Шерматова Умида Сапаевна**

Педагогические условия использования историческими, литературно-  
художественными ресурсами в формировании чувства патриотизма у  
учащихся (на примере творчества Чулпана).....24

**Shermatova Umida Sapayevna**

Pedagogical conditions of using historical, literary-artistic sources in the  
development of pupils' patriotic sentiments (on the example of Chulpan's oeuvre)  
.....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of publications.....50**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped.933 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.chdpi.uz](http://www.chdpi.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мардонов Шукурулло Қўлдошевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ниёзметова Роза Хасановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Джумабаева Жамила Шариповна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги 03/30.04.2021.рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870)712-27-55; факс: (99870)712-45-41; e-mail: [chdpi-kengash@umail.uz](mailto:chdpi-kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (..... рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870)712-27-55; факс: (99870)712-45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси)

**У.Маҳкамов**

Илмий даражани берувчи  
илмий кенгаш раиси в.в.б., п.ф.д., профессор

**Ф.У.Қодирова**

илмий даражани берувчи  
илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари доктори

**У.Н.Ходжамқулов**

илмий даражани берувчи  
илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, пед.ф.д.(DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг таълим-тарбия тизимида шахснинг маънавий камолотини таъминлашга қаратилган технологик жараёнлар ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ ҳолда амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, АҚШнинг Association for Educational Communication and Technology, Буюк Британиянинг Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university, Жанубий Кореянинг Чунанг, Япониянинг Мияги педагогика университети, Россиянинг Таълим академияси, Голландиянинг Edith Cowan Univercity каби нуфузли таълим муассасалари ва илмий марказларида артпедагогиканинг ёшларни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашнинг методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш борасида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунёнинг халқаро илмий марказларида акмедактик тамойиллар асосида ўқув натижаларини кафолатлаш, таълимнинг изланишли, ижодий, гиперматнли навигация каби шакллариини такомиллаштириш таълим олувчининг прагматик, креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида қаралишининг асл моҳияти унинг давлат истиқболи, миллат генофонди, жамият тараққиётини белгиловчи муҳим ижтимоий-педагогик омил эканлигидадир. Шунинг учун ҳам дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида ёшларнинг аутопсихологик компетентлиги ва тадқиқотчилик кўникмаларини, шахслик сифатларини камол топтиришда ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага тегишли тадқиқотларнинг илмий-амалий натижалари социология, фалсафа, педагогика, психология каби бир қатор фанларнинг мазмунини бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида шахс равнақи, маънавий камолоти ва инсон капитали билан боғлиқ ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши узлуксиз таълим тизими зиммасига катта масъулият юклади. Мазкур фармонда қайд этилган “...мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”<sup>1</sup> вазифаларини бажаришда аجدодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий бойлик – тарихий, адабий-бадий манбаларни ўрганиш ва бу жараёнга ўқувчиларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг Ватанга содиқ шахс сифатида шаклланиши индикаторларини аниқлаш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш бу борадаги изланишларнинг натижавийлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон, 70-модда.

“Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон таълим тизимида шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнининг муҳим элементларидан бири бўлган мураккаб ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатидаги ўқувчиларнинг ватанпарварлик кўникмаларини шакллантиришнинг таълимий жиҳатлари хорижий ва мустақил ҳамдўстлик мамлакатларининг А.Г.Агнаев, Е.А.Баграмов, М.С.Джунусов, В.А.Сухомлинский, В.С. Чудний, Я.А.Гумаев, тарбиявий жиҳатлари Л.А.Бублик, В.Н. Герасимов, Е.В.Сахаров, С.Л.Рыков каби тарихчи, файласуф, педагог ва адабиётшунос олимлари томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ватанпарварлик билан боғлиқ кўникма-малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-фалсафий асослари Ж.Туленов, Э.Юсупов, Ҳ.Бобоев, Б.Қодиров, А.Алиев, Т.Маҳмудов, М.Эшмухамедовалар, илмий-педагогик асослари О.Мусурмонова, М.Қурононов, Ш.Қурбонов, Ж.Ҳасанбоев, М.Иномова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, У.Маҳкамов, С.Очилов, Ж.Йўлдошев, Б.Зиёмухамедовлар томонидан тадқиқ қилинган. Аммо Чўлпон ижоди мисолида ўзбек адабиёти тарихининг муҳим қисми бўлган миллий уйғониш даври адабиётида ватанпарварлик тарбиясининг илмий-педагогик жиҳатдан ёритилиши етарли даражада ўрганилмаган. Ҳолбуки, Ватан тимсоли ва унинг равнақиға хизмат қилиш, шу асосда баркамол шахсни тарбиялаш ўша давр адабиётида “Ё ҳаёт, ё мамот” тарзида кун тартибига кескин қўйилган эди. Зеро, жадид адабиётининг бош ғояси ҳам ватанга, миллат равнақиға ўз жонини тикиб бўлса-да, хизмат қилишга қаратилганлиги билан белгиланади. Илмий манбалар таҳлили миллий уйғониш даври адабиётининг буюк намояндаси Чўлпон ижоди билан боғлиқ тарихий, адабий-бадий манбалар воситасида умумтаълим мактабларидаги адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантириш алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумтаълим мактаблари ўқувчиларида Чўлпон ижоди ва у билан боғлиқ тарихий, адабий-бадий манбалар асосида ватанпарварлик туйғусини камол топтиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Чўлпон ижоди мисолида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари, шарт-шароитларини ва хусусиятларини таҳлил қилиш;

умумий ўрта таълим мактабларида ватанпарварлик тарбияси орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш;

ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ адабий таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси механизминини такомиллаштириш;

адабий-тарихий манбалар асосида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантириш технологияларини такомиллаштириш моделини ривожлантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактабларида Чўлпон ижоди ва у билан боғлиқ тарихий, адабий-бадий манбалар таҳлили орқали ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига республикамизнинг жами 7 та, яъни Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 26-сон, Яккасарой туманидаги 326-сон, Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳридаги 8- хамда 15-сон, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 15-сон, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 64-хамда 38-сон мактаблардан 917 нафар ўқувчи жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Чўлпон ижодига доир тарихий, адабий-бадий манбалар асосида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмуни, шакллари, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, педагогик тажриба, моделлаштириш, суҳбат, математик-статистик таҳлил, эксперимент натижаларини умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида шахс маънавий камолоти билан боғлиқ адабий таълим-тарбия интеграциясининг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятлари Чўлпон ижодига оид тарихий, адабий-бадий манбаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва модификацион (конференция дарслари, бинар маъруза, адабий челенжлар, мушоира дарслари) таълим шакллари воситасида аниқлаштирилган;

таълим (илмийлик, изчиллик, узвийлик, мантиқийлик) ва тарбия (ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадрият, халқпарварлик) тамойилларига асосланган адабий таълим ва тарбия интеграцияси орқали ўқувчиларнинг тарихий, адабий-бадиий манбаларга бўлган қизиқишини рағбатлантириш механизмларининг педагогик асослари такомиллаштирилган;

ўрта мактабларнинг адабий таълим тизимида ватанпарварлик тарбияси мезонлари (Ватан равнақи йўлида камарбасталик, унинг шонли ўтмишига хурмат-эҳтиром кўрсатиш, истиқболга ишонч, фидойилик) адабий асар таҳлилида фикрлар плюрализмига асосланган замонавий методларни (бинар, семинар, лабораторик таҳлил) қўллаш ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш жараёнини ривожлантириш орқали тизимлаштирилган;

адабий таълим жараёнида ватанпарварлик тарбияси воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантиришнинг дидактик таъминоти Чўлпон ижодида оид тарихий, адабий-бадиий манбаларга компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида адабий таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси асосида ватанпарварлик тарбияси педагогик муаммо сифатида ўрганилиб, методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

мавзуга оид илмий-назарий, фалсафий, тарихий, адабий-бадиий, педагогик-психологик манбаларни ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантириш модели яратилган;

умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт фанини мавзулараро интеграциялаб ўқитиш шарт-шароитлари тарихий, адабий-бадиий манбаларни ўрганиш мисолида аниқланган;

ўқувчи шахсини шакллантиришда адабий таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини такомиллаштиришга доир ўқув-услубий қўлланма яратилиб, таълим амалиётига татбиқ қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда тарихий, адабий-бадиий манбаларда Чўлпон шахсияти, унинг ижодида Ватан равнақи, миллий озодлик ғояларининг педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинганлиги, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришнинг мазмуни ва технологиясини ишлаб чиқишда республика ва чет эллик олимларнинг тажрибаларига асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик таҳлил методлари воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Чўлпон ижодида ватанпарварлик тарбияси бўйича ўқувчиларда шахслик сифатларини шакллантиришга доир тарихий, адабий-бадиий манбалар асосида таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг методик таъминоти илмий-назарий жиҳатдан бойитилгани, ўқувчиларнинг креатив салоҳиятини оширишга йўналтирилган

модель яратилгани, адабиёт дарсларининг сифати ва самарадорлигини оширишга оид технологик ёндашувлар натижасининг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 7-11-синф адабиёт дарсларини лойиҳалаштиришда Чўлпон ижодини ўрганишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳамда ундан адабиёт, тарих, тарбия, миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари каби фанларни ўқитишда, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий, адабий-бадий манбалардан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятларини аниқлаштиришга оид шахс маънавий камолоти билан боғлиқ таклифлардан А-1-197 рақамли “Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2089-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа адабий таълим жараёнида тарихий, адабий-бадий манбалар асосида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Чўлпон ижодида Ватан тимсолининг адабий, илмий-методик тадқиқи мисолида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асосларига оид таклиф ва тавсиялардан маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг педагогик механизмларини амалиётга тадбиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 20 апрелдаги 01/11-01/01-468-сонли маълумотномаси). Натижада миллий уйғониш даврига доир адабий таълим мазмуни ва ўқитиш технологиялари самарадорлигини оширишга эришилган;

ўрта мактабларда адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг ватанпарварлик тарбияси мезонларини белгилаш ва замонавий методларни қўллашга оид тадқиқот натижалари “Умумий ўрта таълим мактабларида тарихий, адабий-бадий манбалар воситасида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” номли ўқув-услубий қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 20 апрелдаги 01/11-01/01-468-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мезонларини тизимлаштириш орқали таълим самарадорлигини ошириш технологияси такомиллаштирилган.

адабий таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришни Чўлпон ижоди асосида ривожлантиришнинг дидактик таъминотидан ХТ-Ф-2-004 рақамли



“Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” (2008-2010) мавзусидаги ёш олимларнинг фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2089-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа асосида ўзбек халқ педагогикасида ватанпарварлик тарбиясига доир фольклор анъаналарини адабий таълим жараёнига татбиқ этишнинг илмий-педагогик механизмлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ҳамда 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (5 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда), 1 та ўқув-услубий қўлланма чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактабларида тарихий, адабий-бадий манбалар воситасида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим тизимида миллат ва ватан тарихига дахлдор аждодларимиз меросини ўрганиш ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ маънавий-интеллектуал эҳтиёж натижасида юзага келганлиги, ана шу зарурат туфайли адабий таълим жараёнида ўқувчиларда Ватан тарихини чуқур ўрганиш, маънавий-маданий меросимизга эҳтиром уйғотиш, Ватанга муҳаббат туйғусини камол топтиришда тарихий, адабий-бадий манбалар жамиятни истиқболга элтувчи восита, мустақкам заминга эга ижтимоий омил вазифасини ўташи Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий, адабий-бадий манбаларни ватанпарварлик тарбияси нуқтаи назаридан педагогик муаммо сифатида ўрганишнинг илмий-назарий асосларини ташкил этиши хусусида фикр юритилади.

Жамиятнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий тараққиётида Ватан манфаати, кадр-қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга

муҳаббат туйғуси қанчалик чуқур анланса, шахнинг маънавий камолоти шу қадар юксак бўлишидан далолат беради. Зеро, “ҳақиқий ватанпарварлик Ватанга, она заминга, ўз халқига муҳаббат билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурати туғилганда жонини фидо қилишни назарда тутди”<sup>1</sup>.

Ватан мавзусига оид тарихий, адабий-бадиий манбаларда ҳар бир халқ ва ҳар бир авлоднинг Ватанга бўлган муносабати ўзига хос тарзда турлича ифода этилган бўлса-да, уларни Ватанга бўлган адоқсиз муҳаббат ва унинг тақдири учун юксак масъулият ғояси бирлаштириб туради.

Буюк Бобуршоҳнинг “Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин не юз қаролиғ бўлди” деган таваллосида Ватандан жудоликни “юз қаролиғ” деб афғон чекишидан, Фурқатнинг ватандан йироқда “Адашган ит каби Фурқат, Қаён боргум билолмасман” дея нола қилишидан ёхуд Абдулла Ориповнинг она юртга оид қалб туғёнларини “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” дея жўшиб-тошиб куйлашидан Ватан тимсоли инсоннинг қалбу шуури, эс-хушига жон қадар битмас-туганмас маънавий-руҳий озиқ беришини сезиш қийин эмас.

Баён қилинган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш жоизки, **ватанпарварлик – бу, ўз шахсий манфаатларини Ватан ва унда истиқомат қилувчи халқ манфаатлари билан уйғунликда кўра олиш, Ватан равнақи йўлида камарбаста бўлиш, Ватан истиқболи учун керак бўлса ўз жонини тикишдир.**

Ватан ва ватанпарварлик тарбиясига доир педагогик муаммога оид изланишлар такомилени ўлка халқларининг ижтимоий, маданий ҳаётига оид таълимий, адабий-бадиий манбаларга боғлиқ ҳолда тарихийлик нуқтаи назаридан қуйидагича даврлаштириш мумкин:

1. Ўлка халқлари маданий-маърифий ҳаётининг илк даврига оид ватанпарварлик қарашлари.

2. Ислом динининг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши ва оммалашиши даври (VIII-XIII асрлар)даги ватанпарварликка доир қарашлар.

3. Амир Темур ва темурийлар даври (XIV-XV асрлар)даги ватанпарварликка доир қарашлар.

4. XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда ўлкадаги феодал тарқоқлиги билан боғлиқ ижтимоий ҳаёт, маданият ва таълим-тарбияга оид қарашлар.

5. XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилгача бўлган: а) Чор истибдоди даври; б) шўролар салтанати давридаги ижтимоий ҳаёт, маданият ва таълим-тарбияга оид зиддиятли қарашлар.

6. Мустақиллик давридаги ижтимоий ҳаётдаги янгиланишлар билан боғлиқ маданий-маърифий ва таълимий-тарбиявий қарашлар.

**Шарқ халқлари таълим-тарбиясида адабиёт (адаб – ҳулқ, одоб, ахлоқ)нинг ҳаёт дарслиги маъносида қўлланилганлигидан аёнки,**

---


<sup>1</sup> Педагогика. Энциклопедия. 3 жилдлик, 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015.-188-бет.

мумтоз адабиёт ва педагогика тарихини бир-бири билан узвий боғлиқликда ўрганиш умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг шахслик сифатларини камол топтиришнинг илмий-методик асосларидан ҳисобланади.

“Педагогика энциклопедияси”<sup>1</sup>да ватанпарварлик тушунчасининг 3 йўналишда намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган: 1) билиш – Ватан тушунчасига хос кадриятларни эгаллаш; 2) эътиқод – кадриятлар соҳасида ўзлаштирилган билимларни эътиқодга айлантириш; 3) ҳаракат – ўз эътиқодини амалий фаолияти орқали намоён қилиш. Мазкур уч йўналиш бевосита ўқувчиларнинг ватанпарварлик тарбиясига тегишли эканлиги билан аҳамиятлидир (1-расмга қаранг).

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар ватанпарварлик тарбияси авлод-аждодларимиздан ўтиб келаётган “ота мерос” ғоя эканлигидан далолат беради.

Ижтимоий гуманитар фанлар бир асрга яқин шовинистик ғоя қобиғида бўлганлиги, бу ғоя инсонга ўзлигини унутиб коммунистик ғоя асосчиларини



### 1-расм. Ватанпарварлик тушунчаси таркиби ва йўналишлари

пайғамбар даражасида халқнинг онг-шуурига сингдиргани ҳисобга олинса, шу ғоя қурбони бўлган Чўлпон ижоди мисолида тарихий, адабий-бадий манбаларда ватанпарварлик муаммосини тадқиқ қилиш илмий-педагогик тафаккур ривожига хизмат қилиши мумкин.

Юксак маънавий кадрият ҳисобланган Ватан тимсоли ватанпарварлик тарбиясининг туб моҳиятини ташкил этиши билан узлуксиз таълим тизимида педагогик муаммо сифатида ёшларда ватанимиз шонли тарихига ҳурмат, истикболига ишонч уйғотиш билан бирга, миллий ва умуминсоний кадриятларни такомиллаштириш, инсонпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, қаҳрамонлик, бунёдкорлик хислатларини мустаҳкамлаш орқали шахслик сифатларини камол топтиришда муҳим ўрин тутади.

<sup>1</sup>Педагогика. Энциклопедия, 1-жилд. –Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015.-188-бет.

Ҳадисларда “Ватанни севмоқ иймондандир”, “Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир” каби ҳикматларнинг келтирилиши Ватан тушунчасининг асрлар оша авлодлар тарбиясида муҳим омил бўлиб келганини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим тизимида миллат ва ватан тарихига дахлдор аجدодларимиз меросини ўрганиш маънавий-интеллектуал эҳтиёж натижасида юзага келган.

Миллий уйғониш даврида ватанпарварлик Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Ҳожи Муин, Чўлпонлар ижодида даъваткорлик, мушоҳадакорлик, жанговарлик, курашчанлик руҳи билан йўғрилган бўлса, мустақиллик даври адабиётида шукроналик, масъулият, келажакка ишонч, фахр ва ғурур туйғулари билан тўйинтирилганини кузатиш мумкин.

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлардан шундай хулосага келдикки, Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий, адабий-бадий манбалар воситасида адабий таълим тизимида фанлараро интеграция методларидан фойдаланилгандагина ватанпарварлик тарбияси ўзининг ижобий натижасини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ватанпарварлик тарбиясида Чўлпон ижодидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланади. Унда ватанпарварлик туйғуси билан боғлиқ комил инсон тарбиясининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишда биологик, ижтимоий-фалсафий ва педагогик омилларнинг уйғунлиги, бири иккинчисини тўлдириб келиши, ижтимоий воқелик қонуниятларининг бир-бири билан узвий боғлиқлиги Чўлпон шеъриятида Ватан тимсолининг бадий-эстетик талқини ва маънавий-маърифий аҳамияти ҳамда шоирнинг адабий-эстетик ва педагогик қарашларида курашчанлик мотивлари тадқиқи мисолида таҳлилга тортилди.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг таълим-тарбия тизимида шахснинг маънавий камолотини таъминлашга қаратилган технологик жараёнлар марказида шахс эрки – миллат озодлиги – ватан тараққиёти муносабатлари туриши бежиз эмас. Шу жиҳатдан Чўлпон ижодига назар ташлаганда унинг адабий-эстетик ва педагогик қарашларида ҳам мазкур тушунчалар муштараклиги диққатни тортади. Зеро, таълим тизимидаги ислохотлар мақсад-моҳиятининг шахс равнақи, маънавий-ахлоқий камолоти, бир сўз билан айтганда, инсон капитали билан боғлиқлиги миллат ва Ватан манфаатларининг уйғунлигини тақозо этади. Шунга кўра, миллий уйғониш тафаккурдан миллий-озодлик ғоясининг туғилиши Чўлпон ижодига жўшқин руҳ бағишлаган адабий-эстетик қарашлар моҳиятини ташкил этади, ижодий руҳ беради, Ватан озодлиги йўлидаги курашчанлик туйғусини озиклантиради. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик тарбиясида Чўлпоннинг миллий-озодлик ғоялари билан тўйинтирилган асарлари юксак бадиият намуналари бўлиш билан бирга, айтилган Ватан тақдири қил устида турган ўша даврнинг ўзига хос бадий ҳужжати эканлигига ҳам эътибор қаратиш зарур.

7-синф адабиёт дарсларида Чўлпоннинг Ватан туйғусига бағишланган шеърий асарларида лирик қаҳрамонлар қалбидан чуқур жой олган гўзаллик ва нафосат, қайғу ва қувонч туйғуларининг нозик товланишлари кўпроқ

табиат тасвири фонида берилганини кузатиш мумкин. Зеро, шоир табиат гўзалликларига нисбатан ошиқона муносабати орқали Ватанга бўлган инжа туйғуларини ғоятда нафис ва нозик пардалар қатига жойлайди.

1919 йилнинг февралида ёзилган машхур “Гўзал” шеърида шоир она Ватан гўзаллиги ва муқаддаслигини, юлдуз, Ой, Кун (Куёш)нинг улуғворлиги билан муқояса қилиш орқали аён этади:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.  
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,  
Айтадир: “Мен уни тушда кўрамен:  
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!..”<sup>1</sup>

Кўринадикки, лирик қаҳрамоннинг тасаввур уфқи ниҳоятда кенг. Унинг қоронғу кечада кўкка кўз тикиши, “юлдузнинг уялиб бошини букиши”, ҳатто тушларида кўриши, шамолнинг сочларини ёйиб йўлдан адашиши бир нуқтада – ватаннинг гўзаллиги қаршисида тўқнашишидан маълумки, етти икклимда унинг ўхшаши йўқдир.

Ёшларни Ватан ва халқ тарихини шунчаки билувчи кишилар эмас, балки уни қалбдан ҳис этувчи, тушунувчи, самарали фаолияти орқали унинг тараққиётига хизмат қилувчи чин ватанпарвар ва халқпарвар қилиб тарбиялашда Чўлпон шеъриятининг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўзлаштириш муҳим восита вазифасини ўтайди.

Чўлпоннинг педагогик ва адабий-эстетик қарашларида унинг табиат гўзалликларини нозик ҳис этиши ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлаш билан бирга, табиатнинг қудратли стихиясини тасвирлаш орқали шоир ватанининг шўролар томонидан босиб олинишига, ўлка халқларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари оёқости қилинишига қарши кучли қаҳр-ғазаби, алами ва исёнининг ҳам ифодаланганига алоҳида урғу берилади.

Эътибор берилса, шоирнинг табиат лирикасидаги куз, қиш, баҳор, бинафша, булут, барг, тун каби образларнинг поэтик дунёси ниҳоятда кенг. Айтиш жоизки, улар ватанпарварлик тарбиясига доир ижодкор концепциясини белгиловчи шеърий воситаларга айланиб кетган.

Бундан Чўлпоннинг миллий-озодлик ғояси билан йўғрилган ватанпарварлик тарбиясига оид адабий-эстетик қарашларининг асарларида уйғун акс этишини адибнинг ижодий ютуғини таъминлаган муҳим омиллардандир деган хулосага келиш мумкин.

Ҳаётда нимаики гўзал экан, унинг ахлоқий (Флобер)лиги назарда тутилса, Чўлпоннинг Ватан эрки билан боғлиқ гўзаллик тушунчасининг қай даражада теранлик касб этишини англаш қийин кечмайди.

“Табиат санъатнинг доимий тимсоли, ундаги энг олий предмет эса инсон” (В.Г.Белинский) эканлиги назарда тутилса ҳам, Чўлпон шеъриятидаги табиат фалсафасининг моҳияти ўзини тўла намоён қилади. Шоир ижодида

<sup>1</sup> Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. 1- жилд.-Т.: Akademnashr, 2016 .-31-бет.

табиат – мақсад эмас, аксинча, унинг замирида инсон эрки – ҳақ-ҳуқуқлари ва Ватан туйғуси билан боғлиқ ижтимоий масалаларга гражданлик муносабати аклангани кузатилади.

Адабиётшуносликда мумтоз ёзувчиларимиз ижодий меросини хронологик тарзда ёки даврлаштириш мисолида, шунингдек, жанрий хусусиятларига кўра ҳамда мавзу доираси жиҳатидан ўрганиш билан боғлиқ турлича ёндашувлар мавжуд. Бундай ёндашувларнинг ҳар бири албатта муайян мантиққа бўйсунди ва муаммо юзасидан тегишли хулосалар чиқаришга замин яратади. Шунга кўра, ишда Чўлпон ижодига ватанпарварлик тарбиясининг хос хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, ватанпарварлик тарбияси ижтимоий-гуманитар фанларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Хусусан, адабий таълим жараёнида ёш авлоднинг онгу шуури, ҳиссиётини бойитиш, маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини шакллантириш орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, имкониятларини белгилаш, самарадорлиги кўрсаткичлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш адабий таълим олдидаги долзарб вазифалардан бири сифатида глобал таълим муаммоларини соҳадаги мавжуд ютуқ ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариш, истиқболини режали тарзда лойиҳалаштириш асосида тадқиқ қилишни тақозо этади.


Шунга кўра, адабий таълим тизимида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Тадқиқотнинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили”** номли учинчи бобида ватанпарварлик тарбиясига доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва самарадорлик даражаси, тақдим этилган илмий-методик тавсиялардан фойдаланиш йўллари баён этилган.

Ушбу мақсадга қаратилган тадқиқот иши қуйидагича 3 босқичда амалга оширилди.

**Биринчи босқичда** 2017-2018 йиллар давомида адабий таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг адабий-педагогик асослари ва унга тегишли адабий-тарихий, фалсафий-педагогик адабиётларни ўрганиш, педагогик тажриба-синов ишлари олиб борадиган объектларни танлаш, педагогик тадқиқот мезонларини режалаштириш каби ишлар бажарилди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш учун Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 8- ва 15-мактаблар, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 326-ихтисослашган умумтаълим мактаби, Яккасарой туманидаги 26-мактаб, Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидаги 38-, 64-мактаблар, Қўқон шаҳридаги 15-мактабларнинг ҳар биридан 2 тадан: 7- “А”, “Б”, 11- “А”, “Б”



**2-расм. Ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантириш модели**

синфлари белгиланди.

2018-2019 йилларга мўлжалланган **иккинчи босқич**да Чўлпоннинг шеърий, насрий, драматик, публицистик ижоди ҳамда ҳаётига тегишли тарихий, адабий-бадий манбалар ўрганилди, шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мезонлари, шакллари аниқланди ва улардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

2019-2020 йилларга мўлжалланган **учинчи босқич**да мактабларда ўтказилган яқунловчи тажриба-синов ишларининг математик-статистик натижалари тартибга солинди ва умумлаштирилди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида 7-синф ўқувчиларидан 470 кишига қуйидаги савол-топшириқлар тарқатилди:

1. Чўлпоннинг қайси асарлари билан танишсиз? Уларда Ватан эрки тўғрисида нималар дейилган?

2. Чор Русияси босқини билан шўролар салтанатининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари борми? Сиз уларни қандай тушунасиз? Шахсий фикрингизни билдириңг.

3. Чўлпоннинг Ватан эрки тўғрисида куюнчаклик билан ёзишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

4. Чўлпон нима учун “миллатни уйғотган шоир” дейилади?

5. Чўлпон миллатпарвар шоир сифатида ўз орзусига эриша олдими?

Ватан тарихи ва Чўлпон ижодининг туб моҳияти билан боғлиқ мазкур савол-топшириқлардаги 1-саволга респондентларнинг барчаси фақат Чўлпоннинг дарсликдаги асарларини қайд қилгани ҳолда Ватан эрки тўғрисида аниқ фикр билдира олмаган.

2-саволга тайинли жавоб берилмагани бу борада фикр юритиш 7-синф ўқувчилари учун мураккаблик қилганини кўрсатади.

3-саволга бор-йўғи 200 ўқувчи “ватанни севгани учун”, “ватанни яхши кўргани учун”, “шу ватанда яшагани учун” тарзида умумий йўсинда жавоб берган.

4-саволга 160 ўқувчи “миллатни яхши кўрган шоир”, “миллатим деган шоир”, “миллатни улуғлаган шоир” тарзида жавоб беришга ҳаракат қилган.

5-саволга 410 ўқувчи “ўз орзусига эришган” тарзида жавоб бериш билан қаноатланган.

Шу жараёнда 11-синф ўқувчиларидан 447 кишига нисбатан мураккаброк тарзда тузилган қуйидаги савол-топшириқлар билан мурожаат қилдик.

1. Чўлпон ижодида Ватан тимсоли акс этган асарларни белгиланг. Чўлпон Ватан тимсолини ифодалашда қандай ташбихлардан фойдаланади?

2. Шоир ижодининг тазйикқа учрашига нима сабаб бўлган деб ўйлайсиз? Фикрларингизни мисоллар билан изоҳланг.

3. Шоир адабий-эстетик қарашларининг шаклланишига кимлар таъсир кўрсатган?

4. “Кеча ва кундуз” романининг иккинчи китобида ёзувчи қандай ғояни илгари сурган бўлиши мумкин?



5. Чўлпон шеърлярида кўпмаънолилиқ деганда нимани тушунаси?

6. Шоир шеърлярида рамзлардан фойдаланишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

7. Чўлпон дунёқарашининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатган деб ўйлайсиз? Фикрларингизни мисоллар билан изоҳланг.

8. XX аср бошляридаги тарихий муҳит билан миллий-озодлик ҳаракатляри ўртасида қандай боғлиқлик бор?

1-саволга берилган жавобларнинг 356 тасида шоирнинг дарсида ўрганилган деярли барча асарляри тилга олинган бўлса-да, қандай ташбихлардан фойдалангани очиқ қолган.

2-, 3-, 5-, 6-саволларга тайинли жавоб берилмаган.

4-саволга берилган жавоблардан “Кундуз бўлса керак” тарзидаги умумлашма хулосага келиш мумкин.

7-саволга берилган 55 та жавобда “Ватан муҳаббати”, 119 та жавобда “ижтимоий тузум”, 58 та жавобда “миллий-озодлик ҳаракатляри”, 59 та жавобда “босқинчилик сиёсати”, 63 та жавобда “келажакка ишонч” тарзида умумий фикрлар қайд қилинган, қолган 93 тасида жавоб бўлмаган.

8-саволдаги тарихий муҳит билан миллий-озодлик ҳаракатляри ўртасидаги боғлиқлик масаласига деярли 264 ўқувчи тўғри жавоб қайтарган.

Тадқиқот концепцияси асосида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида тажриба-синов ишляри натижалляри мунтазам равишда умумлаштириб борилди. Бу эса тадқиқот материаллярини тизимлаштириш, натижаллярини апробациядан ўтказиш орқали тадқиқот матнини тайёрлашда асосли ва кенг кўламли хулосалар чиқаришга ёрдам берди.

Анкета-сўровномалар қуйидаги йўналишларда ташкил этилди:

тарихий, адабий-бадий манбалар асосида XX аср бошляридаги тарихий-адабий муҳитнинг Чўлпон ижодида бадий-эстетик тафаккур ва педагогик қарашлар шаклланишига таъсирини аниқлаш;

Чўлпон ҳаёти ва ижоди мисолида ёшларда ватан туйғусини шакллантиришнинг таълимий-педагогик имкониятляри ва шарт-шароитлярини белгилаш;

ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясига доир адабий-тарихий билимлярини аниқ мақсадга йўналтириш.

Сўровнома натижалляри ёшларнинг XX аср бошляридаги адабий-тарихий муҳит ҳақида аниқ билим ва тушунчага эга эмаслигини, Чўлпон ҳаёти ва ижоди хусусида умумий тасавурляри бўлгани ҳолда буюк шоирнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик билан боғлиқ қарашляри юзаки мулоҳазалардан иборат эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлярида қуйидаги методик тавсиялар билан боғлиқ масалалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди:

Чўлпон ҳаёти ва ижоди ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ жадиждлар адабиётининг маърифатпарварлик ва миллий-озодлик ҳаракатляридан озиқланганига аниқлик киритиш;

Чўлпон асарлари таҳлили асосида ўқувчиларнинг ватанпарварликка оид билимларини бойитиш;

адабиётшунослик, педагогика ва тарих фанлари интеграцияси асосида фанлараро алоқани мустаҳкамлаш;

Чўлпоннинг янги ўзбек адабиёти ривожига қўшган хиссасини тарихий ҳужжатлар ва ўз асарлари таҳлили воситасида баҳолаш;

адабий-тарихий манбаларга мантикий ва илмий-педагогик жиҳатдан ёндашиш;

адабий асарларда ватанпарварлик тарбияси таҳлиliga фикрлар плюрализми асосида компетенциявий ёндашувга эришиш.

Тажриба-синов ишларининг якуний назорат босқичида ўқувчиларнинг Чўлпон ижодида ватанпарварлик тарбиясига доир билимларини қуйидаги саволномага берган жавоблари асосида 4 даража (паст, ўрта, яхши, юқори)га бўлиб, ўрганилди (1, 2-жадвалларга қаранг):

1. Ватан ва ватанпарварлик деганда нимани тушунасиз? Чўлпон ижоди мисолида изоҳланг.

2. Чўлпон шеъриятида Ватанга муҳаббатини қандай тимсоллар ёрдамида ифода этади?

3. Чўлпонга нисбатан “миллатни уйғотган шоир” дейилганини қандай тушунасиз?

4. Чўлпон ўзи яшаган даврни “кеча” дейишининг сабаби нимада?

5. “Чўлпон” сўзининг маъносини изоҳланг.

6. Чўлпонга қандай айбнома қўйилган? Унинг қатағон қилиниши сабабини изоҳланг.

7. Чўлпон Туркистон Мухториятига қандай муносабатда бўлган?

8. Адабиёт яшаса, миллат яшар, деганда нимани тушунасиз?

9. Чўлпон “Бузилган ўлкага” шеърида қандай ғояни илгари суради? “Бузилган ўлкага” шеърини Ғайратийнинг “Тузалган ўлкага” шеъри билан қиёсланг.

